

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
И.М.МЎМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳукуқида
УДК 1: 316 (575) +2:1

БАЙАЛИЕВ ДЖАХАНГИР КАЙНАРБЕКОВИЧ

**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ
МАФКУРАЛАРНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ**

09.00.11 – Ижтимоий фалсафа

Фалсафа фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2011

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Политология ва хуқук” кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар:

Фалсафа фанлари доктори, профессор
Алиев Бекдавлат Алиевич

Расмий оппонетлар:

Фалсафа фанлари доктори, профессор
Назаров Қиёмиддин Нормуродович

Фалсафа фанлари доктори, профессор
Каримов Иброхим

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси 2011 йил _____ ойининг __ куни соат __ да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.М. Мўминов номидаги Фалсафа ва хуқук институти ҳузуридаги фалсафа фанлари доктори (номзоди) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.02.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади. Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Форобий кўчаси 16, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройи мажлислар зали.

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, 100095, Талабалар шаҳарчаси, Форобий кўчаси, 16-үй.

Автореферат 2011 йил “ ” _____ да тарқатилди.

Авторефератга ёзилган тақризларингизни тамғали муҳр билан тасдиқланган ҳолда Бирлашган ихтисослашган кенгаш илмий котибига (Тошкент шаҳри, 100095, Талабалар шаҳарчасига, ЎзМУ, Фалсафа факультети 319-хона) юборишингизни сўраймиз.

**Бирлашган ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, фалсафа фанлари доктори**

Ш.О. Мадаева

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Собиқ тоталитар тузум барбод бўлгач, унинг исканжасидан озод бўлган халқлар ўз тақдирларини ўзлари белгилаш, ўзлари хоҳлаган жамиятни қуриш имкониятига эга бўлдилар. Ўзбекистон халқи ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидай, “замонавий бозор иқтисодиётига эга бўлган, одамлар муносаб турмуш кечиришни таъминлай оладиган, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қила оладиган чинакам демократик жамият қуришдек мураккаб вазифани ҳал этиш зарур”¹ эди. Бизни шу эзгу йўлга бошлайдиган миллий мафкурамизнинг бош стратегик мақсади ҳам – Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш эканлиги Президент асарларида, нутқларида қайта-қайта уқтирилди.

Бундай жамиятни қуриш аввало халқнинг маънавиятига, унинг дунёқарashi, ишонч – эътиқодини шакллантирувчи миллий мафкурасига боғлиқdir. Зотан йўлимизни, истиқболимизни ёритадиган мафкура умуминсоний ва миллий қадриятларга, эзгу орзу – интилишларимизга қай даражада мос бўлса ва қалбимизга қай даражада сингдирилса, шу даражада салмоқли натижаларга эришамиз. Миллий мафкура бошқа барча мафкураларнинг чегарасини, умумий тамойилларини белгилаб берадиган ва уларни йўналтирувчи куч бўлиб, жамиятда мавжуд мафкураларнинг ҳаётбахш ғояларидан унумли фойдаланади, уларнинг туб моҳиятини ифодалайди. Янги жамият қуриш жараёнида дунёвий ва диний мафкураларнинг ўзаро муносабати жуда муҳим. Шунинг учун янги, юксак маънавиятли жамият барпо этишда уларнинг ўрнини, аҳамиятини холисона белгилаш, уларнинг бунёдкорлик имкониятлардан фойдаланиш зарур.

Айниқса ҳозирги замон постиндустриал, ахборотлашган жамиятда диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзаро муносабати, жамият ҳаётидаги ўрнини аниқлаб олиш ва тараққиёт йўлида ундан фойдаланиш янада долзарб бўлиб бормоқда.

Биринчидан, тобора кескинлашиб бораётган глобал муаммоларни ҳал қилишда уларнинг келиб чиқишига асосий сабаб бўлган фан-техника тараққиётига таянибгина ҳал қилиб бўлмайди. Бу муаммоларни ҳал қилиш барча имконият ва воситаларнинг мақсадга мувофиқ сафарбар этилишини тақоза қиласди. Бу имконият ва воситалар ичида диний мафкураларнинг ўрнини алоҳида таъкидлаш зарур.

Иккинчидан, жамият ҳаётида мафкураларнинг роли ошиб кетганлиги, улар масофа ва вақт чегараларидан чиқиб, ўзаро тўқнаш келаётганлиги, ҳамда мафкуралар ўртасидаги кураш кескинлашашётганлиги, жамият муаммоларини тинч йўл билан ҳал қилиш зарурияти диний ва дунёвий мафкуралар ўртасида муроса, ҳамкорлик муносабатларини ҳаётий заруратга айлантироқда.

Учинчидан, минг йиллар давомида шаклланган умуминсоний қадриятларни сақлаб қолиш, шу билан бирга унинг дунёвий тараққиёт талабларига мослигини таъминлаш ҳам зарур. Ўрта аср ва янги даврларда бўлганидек дунёвий ва диний мафкуралар ўртасида ошкора ҳаёт–мамот курашига ҳозирги шароитда йўл кўйиб

¹ И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997.4 -б.

бўлмаслиги ҳам уларнинг муросавий муносабатларига алоҳида эътибор қартишни шарт қилиб қўяди.

Ўзбекистоннинг демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятига ўтиш шароитида дунёвий ва диний мафкураларнинг ўзаро муносабати катта аҳамият касб этади¹. Бир томондан, Тоталитар атеистик тузум даврида диннинг қатағонга дучор қилиниши, унга бўлган қуруқ, бир томонлама, кўр-кўрони ёки ғаразли салбий муносабат маънавиятимизда ўз асоратларини қолдирган бўлса, иккинчи томондан мустақиллик йилларида мафкуравий курашнинг мамлакатимиз ичидагискинлашуви, дин ниқобидаги ғаразли, экстремистик, радикал мафкураларнинг кириб келиши, диний – мафкуравий соҳага етарли эътибор берилмаслиги каби ҳолатлар қатор зиддиятли муаммоларни келтириб чиқарди. Одамлар табиатан мойил бўладиган бир томонлама мутлақлаштириш ҳеч қачон яхши натижаларга олиб келмаган экан, эркин, демократик жамиятда дунёвий ва диний мафкураларнинг ҳаётбахш, тараққиётга хизмат қиласидиган томонларни белгилай олиш, улардан унумли фойдаланиш зарур.

Тўртинчидан, мустақилликка эришган халқимизнинг миллий маънавий қадриятлари диний қадриятлар билан боғлиқлиги, уларни холисона, антропологик ёндашув асосида баҳолаш ва уни янги жамиятга хизмат қилдириш лозим.

Бешинчидан, диний ва дунёвий мафкуралар қандай омиллар асосида шаклланадигани, уларнинг мазмуни ва ўзаро муносабатларида кечаётган ўзгаришлар йўналишлари, ўзаро кураш ва ҳамкорлик истиқболлари илмий жиҳатдан тадқиқ қилиниши зарур.

Гап шундаки, у ёки бу мафкура намоёндалари ўз қарашларини муаммони ҳал қилишнинг ягона, ёки асосий усули сифатида тақдим қилишга интиладилар. Айниқса собиқ СССР ўрнида пайдо бўлган қатор мустақил республикаларда “диний портлаш” ҳодисаси намоён бўлаётган бир шароитда диний мафкуранинг аҳамиятини бўрттириб кўрсатишга бўлган уринишларда бу нарса ўз аксини топмоқда². Бу ҳолатга ташқи, экстремистик, радикал мафкураларнинг таъсиридан ташқари ички омиллар ҳам сабаб бўлмоқда. Янги, эркин жамият барпо этишда дунёвий ва диний мазмундаги мафкураларнинг ўрнини, имкониятларини, ундан самарали фойдаланиш йўллари, усулларини тадқиқ қилиш ўта долзарб масалага айланмоқда. Миллий – диний анъаналарни қайта жонлантириш жараёнлари ўзаро зид бўлмаганидай, эркин демократик жамиятда дунёвийлик дахрийлик эмаслиги масаласини ҳам ижтимоий – фалсафий таҳлил қилиш, динийлик ва дунёвийлик мутлоқ ўзаро зид бўлмасдан жамият ҳаётини юксалтиришда ҳамкорлик қилишини аҳолининг ишончига айлантириш шу бугунги куннинг эҳтиёжига айланниб бормоқда.

Масалага янада ойдинлик киритмоқчи бўлсак, унда дунёвийлик демократик тамойиллар билан қуролланганда ёки демократик тафаккур услуби дунёвий мазмунга эга бўлган тақдирдагина дунёвий ва диний мафкураларнинг ижтимоий

¹ А. Бобоев. Ҳозирги даврда динийлик ва дунёвийликнинг ўзаро муносабати ҳакида. «Дунёвийлик ва ижтимоийлик», Т.: Тўплам, Чўлпон, 2007, 119-б.

² Ўша жойда. 118-б.

ҳаётдаги ўзаро ҳамжихатлиқда буюк мақсад йўлида ҳамкорлик қилиши мумкинлигини ҳам қайд қилиб ўтиш зарур.

Мустақиллик йилларида яратилган илмий – фалсафий адабиётларда диний қарашларга маълум даражада ён босиш, илмий – дунёвий қарашларга нисбатан, юмшоқ қилиб айтганда беписандлик муносабатида бўлиш каби холатлар маълум даражада намоён бўлмоқда. Ҳолбуки, дунёвий (илмий, фалсафий, сиёсий) мафкура жамият тараққиётини ҳозирги даражага етказишида ҳал қилувчи рол ўйнаб келди ва истиқболда ҳам ҳал қилувчи рол ўйнаши шубҳасиз. Ана шу муносабат билан бу масалани ҳар жиҳатдан илмий таҳлил қилишга бўлган эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Аммо дунёвий мазмундаги мафкуралар диний мафкураларга суюнган ҳолда ўз мақсадининг ҳаётбахшлигини таъминлай олиши мумкин. Дунёвийлик ва динийликнинг ўзаро кесишган нуқталарини, ҳамкорлик имкониятларини ҳар жиҳатдан илмий таҳлил қилиш ҳозирги даврда ўта долзарб муаммога айланиб кетаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Хуллас, диний ва дунёвий мафкураларнинг жамиятга ва ўзаро бир – бирига бўлган таъсирини ўрганиш ва чуқур таҳлил қилиш мамлакатимиз тараққиётининг шу бугунги куни учун нуқтаидан долзарб масалага айланиб бормоқда.

Муаммонинг илмий ўрганилганлик даражаси. Жамият тараққиётида диний ва дунёвий типдаги қарашлар ва уларга асосланган мафкураларнинг роли масаласи динийлик ва дунёвийлик фалсафаси каби қадимийдир. Дин ва диний мафкуралар ўз мазмуни ва моҳиятига кўра бошқа-бошқа бўлсаларда уларнинг вужудга келиши ва қарор топишдаги шарт-шароитлар бир-бирини тақозо этади. Соғ мафкурадан ҳоли диннинг ривожланиши мураккаб бўлганидек, диний мафкура ҳам дин асосларига таянади, маълум кучлар уларни ўз манфаатлари нуқтаи назаридан талқин қиласи ва ривожлантиради. Динийлик ва дунёвийликка ўтган тарихий даврларда мутафаккирлар турли нуқтаи назарлардан баҳо беришган. Аммо уларга қарама-қарши, ўзаро келиша олмайдиган тамойиллар сифатида қараш ҳамиша устувор бўлиб келган¹.

Бевосита мафкура муаммоси илмий тадқиқотнинг энг муҳим обьекти бўлган ҳозирги даврда замон нуқтаи назаридан диний ва дунёвий характердаги қарашларни мафкура сифатида ўрганиш, баҳолаш, жамият ҳаётидаги ролини холисона аниқлаш ва ҳамкорлик асосида бунёдкорликка сафарбар этиш ғояси сўнгги даврларда тобора кенгайиб бормоқда. Диний онгнинг ўзига хослиги, жамият ҳаётидаги ижобий роли, бағрикенглик масалалари изчил тадқиқ қилинмоқда. Турли мамлакатлар мафкураларида дин ва фанни қарама-қарши қўйиши, бирини устун деб билиш давом этаётган, айниқса сиёсий даражада бир-бирини кескин қоралаш табиий равишда давом этаётган бўлса-да², диннинг ижобий роли, диний мафкурадан бунёдкорлик йўлида фойдаланиш, динийлик ва

¹ Т. Карим. Дунёвийлик фалсафаси. Т.: “Хилол медија”, 2007.- 5-бет.

² Религия, общество и государство в XX веке: Материалы конференции. М.: Ин-т история СССР, 1991; Дин ва диний мафкура намоёндалари, ва унга қарши дунёвий мафкура намоёндалари асарларини эсланг. Масалан: Сайд Мужтаба Мукни Мусави Лари. Западная цивилизация глазами мусулманина. Баку: Иршод, 1992; М.Хотамий. Ислам, диалог и гражданское общество. М.: Рос ПЭН, 2001; Ислам и политика (взаимодействие ислама и политики в странах Ближнего и Среднего Востока, на Кавказе и в Центральной Азии) М.: Крафт +ИВРАК, 2001; С.А.Модестов. Геополитика ислама. М.: Молодая гвардия, 2003; Исламский мир и внешняя политика России.// Дискуссия в секции – Международная жизнь, 2005 №5, С.76-95.

дунёвийликни мутлоқ қарама-қарши қилиб қўймаслик тенденцияси кучайиб бораётганини қўрамиз.

Мустақиллик йилларида динга муносабат янгича тамойиллар асосида шаклланди. Президент И.Каримовнинг асарларида жамият тарихи, бугунги тикланиш даврида диннинг бекиёс роли, динга муносабат тамойиллари назарий асослаб берилди¹. Дин ва диний мафкура, унинг янги жамият қуришдаги аҳамияти ҳақида мақолалар, тўпламлар нашр қилинди, монографиялар ёзилди². Нашр этилган бу ишларда диний маънавиятнинг миллий қадриятларга сингиб кетганлиги, юксак маънавиятимизнинг таркибий қисми сифатида таҳлил қиласи, тарихимизда муҳим ўрин тутганлиги ва янги жамият қуришда диний ва дунёвий мазмундаги турли қарашлар ҳамкорлиги зарурияти у ёки бу даражада ёритиб берилган.

Сўнгги йилларда ислом мафкурасини илмий тадқиқ қилган диссертациялар ёзилди. С.М.Арифханова ўз илмий ишида исломнинг ахлоқий тамойилларини минтақамиз халқлари маданиятининг ажралмас қисми сифатида таҳлил қиласи, унинг маънавиятимиздаги ўрнини ишончили далиллар асосида исботлайди³.

П.Ж. Абдуллахонов эса ўз номзодлик ишида Ўрта Осиё халқлари маданияти тизимида исломнинг ўрнини таҳлил қилган⁴. Б.М. Бобожанов XVI асрнинг биринчи ярмида Моворауннахрда Нақшбандия шайхларининг сиёсий фаолиятини таҳлил қилиб, исломнинг мафкура сифатида жамиятга таъсирини чуқур таҳлил қилиб берган. З.Алимова эса ислом динидаги ижтимоий адолатнинг намоён бўлиш хусусиятларини кўрсатиб берган⁵. Айниқса динни ниқоб қилиб олган радикал йўналишдаги оқимлар, ҳаракатлар, уларнинг манбаларини ўрганиш бўйича салмоқли ишлар қилинди⁶.

Сўнгги йилларда дунёвийлик категориясини фалсафий тадқиқ қилишга бағишлиланган илмий ишлар яратилмоқда⁷. Бу ўринда бундай ишларнинг дастлабки салмоқли натижаси бўлмиш “Дунёвийлик фалсафаси”, “Дунёвийлик ва ижтимоийлик” мақолалар тўпламини таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан тўпламлардан ўрин олган Тоҳир Каримнинг “Дунёвийлик фалсафаси” мақоласида дунёвийлик фалсафий категория сифатида таҳлил қилинади, жамият

¹ Фойдаланилган адабиётлар рўйхатига қаралсин.

² Н. Комилов. Ислом – маърифат дини: Маъруза матни. – Т.: Маънавият, 1999; Ислом, тарих ва маънавият. – Т.: Мерос, 2000; Жўрабоев Ш. Ҳукукий ва диний маданият.// Гулистон. – 2000, №5; Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси томонидан 2000 йил 20-21 июль кунлари Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида ўтказилган. “Миллий мафкура ва диний қадриятлар” мавзусидаги илмий-амалий анжуман тавсиялар. //Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2000, №2; Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик – тараққиёт омили. Т.: - 2001; Маданият, маънавият, дин: ҳамкорлик чегаралари Т.: А.Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – 2003; Бобомурод Ҳожи Ахмаджон. Соф исломий ақида. Исломий мафкура.Т.: Моворауннахр – 2005; З.Хусниддинов. Ўзбекистонда диний бағрикенглик (монография). Т.: “Ислом университети”, 2006; Дунёвийлик фалсафаси. Т.:”Чўлпон”, Тўплам, 2007.

³ Арифханова С.М. Нравственные принципы ислама как компонент культуры народов центральной Азиатского региона (методол. анализ) – Дисс.... к.ф.н. Т – 1993.

⁴ Абдуллахонов П.Дж. Ислам в системе культуры средназиатских народов методол.аспекты исследовадания проблемы. – Дисс... к.ф.н. Т.: - 1992.

⁵ Алимова З. Ижтимоий адолат тамойиллари ва унинг ислом динидаги намоён бўлиш хусусиятлари. Ф.ф.н. илмий дарражасини олиш учун ёзилган дисс. Т.-2006.

⁶ Келтирилган адабиётлар рўйхатига қаранг.

⁷ Дунёвийлик фалсафаси. Тўплами, Т.: ТДЮИ, 2007; Дунёвийлик ва ижтимоийлик. Т.: Чўлпон, 2008.

илмий-фалсафий камолотидаги ўрни кўрсатиб берилади¹. Тўпламдаги қатор мақолаларда ҳам дунёвийликнинг моҳияти таҳлил қилинган².

Диний ва дунёвий мағкураларнинг моҳияти масаласи ҳам у ёки бу даражада тилга олинади³. Т. Карим, Ҳ. Алиқулов, Ҳ. Аҳмедова, Н. Жўраев, Ж. Қодиров, У. Кудратова, Ф. Мусаев, А. Очилдиев каби кўплаб тадқиқотчиларнинг мақолаларида диний ва дунёвий мағкуралар, уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни масаласи таҳлил қилинади⁴. Президент хузуридаги Давлат ва жамият қуриш Академияси жамоавий муаллифлар томонидан нашр қилинган “Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти” китобида, “Вайронкор ғояларнинг шаклланиш босқичлари” номли махсус боб ажратилган бўлиб, мазкур бобда диний асосдаги ғояларнинг шаклланиши хусусиятлари ҳақида ҳам мулоҳазалар юритилган⁵.

А. Абдуллахонов, З. Алимова, С. Арифханова, А. Бойназарова, Ш. Евкачев, Д. Каримов, Ҳ. Расулов, М. Собироваларнинг номзодлик диссертацияларида диний ва дунёвий мағкураларнинг шаклланиши масаласига диққат қилинади⁶

Бироқ бу илмий-тадқиқот ишларида диний ва дунёвий илмлар муносабати таҳлил этилади, “дунёвийлик” ва “илмийлик” тушунчалари бир хил маънода тушунилади, ёки “динийлик” ва “дунёвийлик” категориялари фалсафий жиҳатдан қаралади. “Диний мафкура”, “Дунёвий мафкура” тушунчалари, уларнинг ўзаро муносабати, таъсири ҳозирги пайтгача илмий адабиётларда фалсафий таҳлил обьекти қилиб олинган эмас. Динийлик ва дунёвийликнинг айнан мағкуравий

¹ Тоҳир Карим. Дунёвийлик фалсафаси. Тўплам, Т.: Чўлпон, 2007. 5-28 б.

² Ўша жойда. 29-б.

³ Назаров Қ. Аксиология: қадриятлар фалсафаси.-Т.: Маънавият, 1998; Ватан саодати: (Миллий мафкура ва тараққиёт масалалари) Т.: Шарқ, 1998, 206-б; Таджиев Ҳ. Теоретические и методологические вопросы национальной идеологии. Т.: «Узбекистан» 1999; Эркаев А. Миллий ғоя моҳияти. Т.: Маънавият, 2000.- 32 б; Жакбаров М. Комил инсон ғояси: тарихий фалсафий таҳлил: Т.: Абу Али Ибн Сино, 2000. 136-б; Закурлаев А. Ғоялар кураши.-Т.: Мовароуннаҳр, 2000.- 64-б; Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: Ўзбекистон, 2001.-276-б. Библиогр.: Б. 72-74 (44 номда); Отамуродов С. Марказий Осиё, ғоявий жараёнлар ва мағкуравий таҳдидлар// Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглиқ-тараққиёт омили. Т.: 2001.-140 -б.; Жўраев Н. Ғоявий иммунитет ёки маънавий халоскорлик туйғуси.-Т.: Ўзбекистон, 2002. 64 –б; С.Отамуродов, С. Мамашокиров, А. Холбеков ва бошқ.: Масъул мухаррир: К. Назаров. – Т.: Ижод дунёси, 2002. 331- б; Маданият, маънавият, дин: Ҳамкорлик чегаралари (методик библиографик кўлланмаси) А.Навоий номли Ўзбекситон Миллий кутубхонаси. Т.: 2003. 60- б; Сайдов А. Миллий ғоя ва маънавий тараққиёт тамойиллари. Т.: “Академия”, 2005. 356 -б.

⁴ Аҳмедова Ҳ. Демократик жамиятда мафкура ва ёшлар муаммоси // Ижтимоий фикр. Инсон хуқуqlари. - 2000.1-2-сон, 150-154-б; Очилдиев А. Миллий ғоямиз асослари: талқин ва тадқиқотлар // Тафаккур.- 2000.3-сон, 109-111-б; Жўраев Н., Собирова М. Халқаро терроризм ва миллий истиқлол мафкураси // Ҳўжалик ва хуқук.- 2000.- 1-сон, 10-15-б; Мусаев Ф. Муштарак тамойиллар: Миллат ва маънавият: (Миллий истиқлол ғояси ҳақида) //Тафаккур.- 2001.-4-сон, 18-20-б; Мусаев Н. Мағкуранинг теран томирлари // Мулоқот.-2002.- 2-сон, 4-5-б; Қодиров Ж, Қудратова У. Демократик жамиятда диннинг маънавий-маърифий тарбиядаги ўрни.- Эзгулик йўлида. Тўплам. Т.: 2006, 51-54-б.; Алиқулов Ҳ. Ислом динида эзгулик фалсафаси. Эзгулик йўлида. -Тўплам. Т.: 2006. 62-81 –б.; Карим. Т. Ижтимоий билишда дунёвий мезонлар. Тўплам, Т.: Чўлпон, 2008. 46-66- б.

⁵ Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти, Т. “Академия”, 2007, 636-736- б.

⁶ Абдуллахонов А. Ислам в системе культуры Среднеазиатских народов (методологические аспекты исследования проблемы). Диссертация на ... к.ф.н. Т.: 1992-С.166; Арифханова С. Нравственные принципы ислама как компонент культуры народов Центрально-азиатского региона. (методолог. анализ) Диссертация на ...к.ф.н.- Т.: 1993, С. 149; Каримов Д. Становление и развитие основных институтов мусульманского права в Мовароуннахре VIII-XIII вв. Диссертация на ... к.ю.н. Т.: 1997.-С. 148; Ёвкачев Ш. Политизация религии и проблема исламского экстремизма в современном Египте. Диссертация на ... к.п.н. Т.: 2000-С.197; Расулов Ҳ. Ўзбекистонда жамият мафкураси: миллий-тарихий негизлари ва шаклланиши. С.ф.н. ... дисс. автореферати. Т-2001.-22- б; Собирова М. Миллий истиқлол мафкураси: моҳияти, манбалари ва ижтимоий вазифалари. Ф.ф.н. ... дисс. автореферати. Т-2001.- 22- б; Алимова З. Ижтимоий адолат тамойиллари ва унинг ислом динида намоён бўлиш хусусиятлари. Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация – Т.: 2006-152-б.; Бойназарова А. Ислом фалсафасида диний ва дунёвий илмлар уйғунлиги масаласи. Ф.ф.н...дисс. автореферати. Т.: 2009. -30- б.

жиҳатларини илмий таҳлил қилиш, уларнинг мафкура сифатида қарор топиши ва ривожланиш хусусиятларини, жамият тараққиётидаги ролини холисона ўрганиш ҳозирги даврда долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда.

Диний ва дунёвий мафкураларнинг ижтимоий, фалсафий илдизларини чуқур илмий таҳлил қилиш, уларнинг ижтимоий муҳит талабларига кўра ўзаро муносабатларини, жамият ривожига бўлган таъсирини кўрсатиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этмоқда¹. Ҳозирги даврда диний ва дунёвий мафкуралар ўртасида самарали диалог масаласии фалсафий тафаккурнинг таҳлил обьектига айланиб бораётганлигини таъкидлаб ўтишимиз зарур. Глобаллашув шароитида диний ва дунёвий мафкураларнинг шаклланиш манбалари, ўзига хос хусусиятлари, бир-бирларига ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишдаги ўринларини илмий ўрганиш мазкур масалада тасаввуримизни кенгайтиради, бойитади, холисона муносабатни шакллантиради.

Ўзбекистонда дунёвийликка асосланган демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуриш ҳам диний ва дунёвий мафкураларнинг ҳамжиҳатлиги, ҳамкорлиги асосидагина амалга ошиши мумкин². Айниқса ҳозирги шароитда диний ва дунёвий мафкураларга бўлган муносабатларда бир томонламалик, уларнинг у ёки бу хусусиятларини холисона баҳолай олмаслик ҳам назарий ва амалий жиҳатдан катта зарар келтиради.

Диссертация ишининг илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети “Фалсафа” ва “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси, амалиёти ва хуқуқ” кафедраларининг “Бозор муносабатлари шароитида миллий истиқлол мафкурасининг тарихий, фалсафий, диний, аҳлоқий асосларини шакллантириш муаммолари” номли илмий-тадқиқот мавзуси билан уйғун ҳолда бажарилди.

Тадқиқот мақсади. – глобаллашув шароитида дунёвий ва диний мафкураларнинг ўзаро таъсири ва уни оптималлаштириш муаммосини ижтимоий-фалсафий тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- Мафкуранинг ижтимоий-фалсафий моҳияти ва унинг жамият ҳаёти билан алоқадорлигини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш.
- Дунёвий ва диний мафкураларнинг шаклланиши, ривожланиши, жамият тараққиётидаги роли ҳамда уларнинг ўзаро таъсирининг ўзгариб боришини таҳлил қилиш.
- Ҳозирги давр жамиятида мафкуралар ролининг ошиб бориши хусусиятларини, асосий омилларини ўрганиш.
- Демократия ва глобаллашув шароитида дунёвий ва диний мафкураларнинг ўзаро таъсири, йўналишларини аниқлаш ва уларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш.

¹ Т. Карим. Дунёвийлик фалсафаси. Тўплам, Т.:Чўлпон, 2007, 28-б.

² А. Бобоев. Ҳозирги даврда динийлик ва дунёвийликнинг ўзаро муносабати ҳақида. Тўплам, Т.: Чўлпон, 2007, 120-б.

- Тоталитар социалистик тизимдан демократик давлат ва фуқаролик жамиятига ўтишда диний ва дунёвий мафкураларнинг аҳамияти ва ўрнини алоҳида кўрсатиш.
- Диний ва дунёвий мафкуралар ўртасида конструктив диалог зарурятини асослаш.
- Ўзбекистоннинг янги жамият қуришда диний ва дунёвий мафкураларнинг ўрнини, ривожланиш тенденцияларни таҳлил этиш.
- Дунёвий ва диний мафкуралар ўзаро ҳамкорлигини оптималлаштириш мақсадида амалий тавсиялар ишлаб чиқиши.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзаро муносабати хусусиятлари. Жамият тарихида диний ва дунёвий мафкуралар ўзаро таъсириининг ўзгариб бориши, ҳозирги шароитда улар ўртасида муносабат муаммолари.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари. Халқаро ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Республика Олий Мажлиси қабул қилинган қонунлар, Президент Ислом Каримов Фармонлари, нутқлари, асарлари ишнинг назарий асоси ва дастурмали ҳисобланади. Таникли мутафаккирлар-файлласуфлар, социологлар, диншунослар асарларида ишлаб чиқилган тамойил ва ёндашувлар ҳам ишга методологик асос қилиб олинди.

Илмий билишнинг тарихийлик ва мантиқийлик, алоҳидалик, ҳусусийлик ва умумийлик, анализ ва синтез, индукция ва дедукция методларидан фойдаланилди. Муаллиф ҳозирги Ўзбекистон шароитида ёшлар онгига диний ва дунёвий тамойилларининг шаклланиш омилларини, ўзига хос хусусиятларини ишончли хulosалар чиқариш мақсадида турли гурухга мансуб ёшлар ўртасида социологик тадқиқот ўтказди, улар билан сухбатлар олиб борди, ўзининг кундалик ҳаётида кузатган тажрибаларидан, материалларидан ҳам фойдаланди. Махсус ишлаб чиқилган сўровнома натижаларини бошқа материалларга қиёсан таҳлил қилиб, ишончли илмий-назарий хulosалар келтириб чиқарилди.

Тадқиқот усувлари. Диссертацияда тарихийлик, ўзаро боғлиқлик, объективлик, тизимлилик, қиёсий таҳлил ва ўзаро уйғунлик методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий фарази. Ишимизда диний ва дунёвий мафкуралар турли гурухларнинг манфаатлари ўртасидаги тафовутлар билан боғлиқ ҳолда ўзаро муносабатда бўлишини, уларда умуминсоний манфаатлар устувор бўлганда самарали ҳамкорлик амалга ошиши мумкинлигини ва бу турли мамлакатларда ўзига хос тарзда намоён бўлишини фараз қилдик. Шунингдек, диний ва дунёвий қарашлар онгли равишда холисона шакллантирилмаса глобаллашув шароитида жамиятга маънавий таҳдидлар кучайиши мумкинлигини кўзда тутдик.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- Мафкураларнинг ижтимоий моҳияти ва даражалари, уларнинг жамият ривожланиш босқичларида муттасил такомиллашиш жараёнини бошдан кечирганлиги ҳамда ҳозирги даврда мафкуравий жараёнлар илмий- фалсафий тадқиқотнинг алоҳида билиш объектига айланаётганлиги ва унинг ижтимоий фанларнинг таркибида алоҳида мавқега эга бўлаётганлиги;

- Жамият тарихида диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзаро муносабати, ўзаро таъсири ҳамда уларнинг ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир босқичига хос белгилари мавжудлиги;
- Ҳозирги замон жамияти тараққиётида дунёвий ва диний мафкуралар ўзаро таъсирининг кучайиб бориши ва унинг муҳим омиллари;
- Глобал муаммоларни ҳал этишда диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзаро ҳамкорлиги тарихий заруриятга айланадигани, конструктив диалогнинг йўллари, шакллари, усуллари;
- Тоталитар социалистик жамиятдан замонавий демократик давлат ва фуқаролик жамиятига ўтишда дунёвий ва диний мафкураларнинг ўзаро таъсири ҳамда уларнинг ўзига хослиги;
- Ўзбекистонда янги жамият қуришда диний ва дунёвий мафкуралар ҳамкорлигини оптималлаштириш муаммолари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Жамият тараққиётида дунёвий ва диний мафкураларнинг ўзаро таъсири, ўзаро муносабатларининг ўзгариш тенденциялари илк бор маҳсус фалсафий таҳлил қилинган;
- “Мафкура” тушунчасининг мазмуни, унинг шаклланиши ва функциялари таҳлилига таянган ҳолда, унинг турли даражалари тавсифланганлиги; мафкура тушунчаси масаласида турли қарашларга муносабат билдирилган;
- Диний ва дунёвий мафкуралар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, жамият тарихида улар ўртасидаги алоқадорликнинг ижобий ва салбий оқибатлари таҳлил қилинди;
- Глобаллашув жараёни кечеётган ҳамда глобал муаммолар кескинлашиб бораётган ҳозирги замон шароитида диний ва дунёвий омилларнинг ўзаро муносабатидаги тенденциялари аниқланган;
- Ўзбекистоннинг янги типдаги жамиятга ўтиш шароитида диний ва дунёвий мафкуралар ўртасидаги зиддиятли муносабатлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, асосий омиллари кўрсатилган;
- Янги демократик жамият қуриш шароитида диний ва дунёвий мафкуралар самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳамкорлик муносабатини такомиллаштиришнинг фалсафий таҳлили алоҳида тадқиқот обьекти қилинган;
- Динийлик ва дунёвийликнинг ижтимоий ҳодисаларни холисона ёритишдаги ролини аниқлаш мақсадида амалий тавсиялар ишлаб чиқилди ва ўқувчилар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда баён этилган мулоҳазалар, илгари сурилган ғоялар, қарашлар ва хulosалар мафкура, диний ва дунёвий мафкураларнинг жамият тараққиётидаги роли ҳақидаги илмий тасаввурларимизни бойитади, бу борада янги илмий тадқиқотларга материал бўлиб хизмат қиласи, улардан ижтимоий фанлар бўйича дарсликлар, ўқув, услубий қўлланмалар, ўқув дастурлари, маъруза матнлари тайёрлашда унумли фойдаланиш мумкин.

Диссертация натижаларидан жамоат ташкилотлари, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари, маънавий-маърифий тарғибот марказлари, мактаблар, оиласлар, маҳаллаларнинг таълим-тарбия борасида олиб бораётган ишларида илмий

методологик йўриқнома сифатида, шунингдек, ижтимоий фалсафа, маданиятшунослик, маънавият асослари, миллий истиқлол ғояси, политология, социология, диншунослик, ахлоқшунослик, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанларини ўқитиш жараёнida ҳам кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация хулосалари асосида Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетида, жамоат ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўкув юртлари, маънавий-маърифий тарғибот марказлари, мактаблар, оиласлар, маҳаллаларнинг таълим-тарбия борасида олиб бораётган ишларида илмий методологик йўриқнома сифатида, шунингдек, ижтимоий фалсафа, маданиятшунослик, маънавият асослари, миллий истиқлол ғояси, политология, социология, диншунослик, ахлоқшунослик, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанларини ўқитиш жараёнida фойдаланилди. Шунингдек республика миқёсида ўтказилган илмий-назарий конференцияларда маърузалар қилинди.

Ишнинг синовдан ўтганлиги. Диссертация Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети Халқаро бизнес факультетининг “Политология ва ҳуқуқ” кафедрасида бажарилган. Мазкур Университетнинг “Фалсафа”, “Политология ва ҳуқуқ” кафедраларида муҳокама этилиб (10.03.2009. 28-сонли баённома) ҳимояяга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертацияда баён этилган илмий назарий хулосалар ва амалий тавсиялар муаллиф томонидан нашр этилган жами 7 та, шулардан 2 та ОАК талабидаги, 1 та бошқа тўпламда ва 4 таси Республика илмий-назарий конференцияларидаги маърузаларида ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти фаслни ўз ичига олган уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 182 бетни ташкил қиласди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, обьекти, предмети, методлари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти билан боғлиқ жиҳатлари асослаб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Жамият тарихида диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзаро муносабати”** деб номланган. Жамият тарихида диний ва дунёвий мафкуралар ўртасидаги ўзаро муносабат хилма-хил шакллар, йўналишлар касб этган. Мазкур бобда аввало мафкура тушунчасининг моҳиятини ва конкрет мазмунида намоён бўлиш шаклларини, жамият ҳаётидаги вазифаларини, мафкуранинг ҳар қандай жамият тараққиётининг алоҳида босқичи учун зарурый эҳтиёж эканлигини таҳлил қилинади. Мазкур бобда Диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзаро муносабати шакллари, кўринишлари ана шу умумий қонуниятнинг ўзига хос намоён бўлишидир. Жамият тарихининг турли даврларида бу борада қандай ўзига хосликлар бўлганлиги, ўзаро

муносабатларининг ҳаёт эҳтиёжлари ва имкониятларга боғлиқ ҳолда ўзгариб борганини фалсафий таҳлил қилиб олинган.

Мазкур бобнинг биринчи фасли “**Мафкура ижтимоий ҳодиса сифатида**” деб номланиб, унда “мафкура” тушунчасига илмий адабиётларда берилган турли, ўзаро фарқли, ҳатто ўзаро зид қатор таърифлар келтирилиб, уларнинг ўзига хослиги, ижобий томонлари кўрсатилади, бу борадаги мавжуд зиддиятларни бартараф қилиш мақсадида муаллифнинг таърифи берилади. Мафкура онг ва фаолиятни йўналтирадиган, уларга мазмун, мақсад, вазифалар берадиган қарашлар тизими сифатида қаралиб, қуи ва юқори даражалари (тор ва кенг тушунчалари) асослаб берилади. Бундай талкин “мафкура ҳар доим мавжуд бўйлган”, “мафкура янги даврдагина шаклланган ва келажакда тугайди” қабилидаги ўзаро зид қарашларни бартараф этади. Тор маънода тизимланган, назарий ифодаланган концепция – идеология – мафкуранинг бир даражаси сифатида қаралади.

Диссертацияда мафкура ижтимоий ҳодиса сифатида шаклланиши, мазмун-моҳиятини ёритишга қаратилган қатор фалсафий оқимлар намояндадарининг қарашлари қисқача таҳлил қилиниб, улардаги муҳим жиҳатлари эътиборга олинган ва айрим мунозарали жиҳатларга муаллифнинг муносабати билдирилган. Бироқ ҳар қандай мафкура манфаатлар, мақсадлар, интилишлар ўзгарувчан шароит билан бевосита боғлиқ бўйлганлиги учун бир қатор илмга хос бўлмаган хусусиятлари асослаб берилган.

Муаллиф фикрича, тарихнинг бурилиш нуқталарида, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш даврида мафкуравий кураш кескинлашади, таъсирчан, тизимлашган янгидан – янги мафкуравий ғоялар яратилади ва давр кишилари ижтимоий онгига сингдирилади. Шу тариқа жамият ижтимоий ҳаёти билан ўзаро таъсирда мафкуравий қарашлар ҳам ривожланиб, такомиллашиб боради.

Айниқса Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мафкурамиз эркин шаклланиш ва тарақкий қилиш, назарий даражада асосланиш имкониятига эга бўлди. Миллий мафкурамизнинг яратилиши, халқимиз қалби ва онгига сингишида зиёлиларимиз эркин ижод қила бошладилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг бу борадаги хизматлари катта. У ўзининг қатор асарларида, нутқ ва сухбатларида мафкурамизни яратиш ва ривожлантиришнинг заруриятини, методологик асосларини таърифлаб берди¹.

Умуман олганда, ҳозирги замон фани мафкуранинг қуидаги характерли хусусиятларини қайд этади:

- мафкура дунёning бутун, яхлит манзарасини яратиб, дунёда инсоннинг ўрни ва ролига алоҳида дикқатни жалб этади;
- мафкура бошқа мафкуралар яратган билим ва тасаввурларни ўзлаштириб олиб, ўтмишни, авлодлар ишлаб чиқсан билимларни интеграция қиласди;
- мафкура инсон ҳатти–ҳаракатини муайян мақсадга йўналтиради ва рағбатлантиради, шу жараёнда кишилар ва жамият фаолиятини интеграциялаштиради;

¹ И.А. Каримов. Ватан саждагоҳ қаби муқаддасдир. З-ж, Т.: “Ўзбекистон”, 1996.

- мафкуравий тизимлар шахс ҳатти–ҳаракати ва инсон фаолиятининг дастурларини аниқлаб беради;
- мафкура ижтимоий ҳаётни уюштирувчи шакл бўлиб, у ҳаракат қилишга, демакки, яшашга ундаиди¹.

Ана шу қоидаларига асосланиб ва инсон фаолиятида, ижтимоий тизимнинг амал қилишида мафкуранинг ролини чукурроқ англаб олиш учун унинг диссертацияда унинг билиш, аксиологик, мақсадли-дастурний, футурологик, интеграцияловчи, ҳимоя, ижтимоий-ташкилий, функциялари батафсил тушунтириб берилади.

Шу муносабат билан муаллиф асосли равишда куйидаги хулосаларга келади:

Мафкура жамият ҳаётининг ажралмас соҳаси бўлиб, ундағи жараёнларни қадриятлар, идеаллар, манфаат, мақсадлар нуқтаи назаридан ифодалаб фаолиятларни йўналтирувчи рол ўйнаб келган.

Эркин жамиятдагина мафкура эркин ривожланиб, мавжуд қадрият ва мақсадларни, идеалларни очиқ ифода этади, қарама-қарши мафкуранинг кураши шароитида такомиллашиб боради.

Мафкуранинг назарий даражаси унинг оддий даража ва кўринишларига нисбатан ижтимоий ҳаётни тўлароқ, чукурроқ, асосли акс эттиради, жамият тараққиётига, жамият онгига хал қилувчи таъсир кўрсатади.

Мафкуралар хилма-хиллиги манфаат ва мақсадлар турли - туманлигидан келиб чиқиб, улар ўртасидаги кураш, муносабат характерини ҳам белгилайди.

Жамиятга, унинг нормал ривожланишига таҳдид соловчи мафкуралар бартараф этилганда ҳам мафкуралар ўртасида ноантагонистик характердаги кураш давом этади.

Мафкуранинг ижтимоий ҳодиса сифатида илмий ўрганиш чукурлашиб бориши табиий холдир.

Мазкур бобнинг “**Жамият ривожида диний ва дунёвий мафкуралар ўзаро муносабатининг ўзгариб бориши**” деб номланган иккинчи фаслида муаммо тарихий жиҳатдан ўрганилган.

Аввало “диний мафкура”, “дунёвий мафкура”, “нодиний мафкура”, “атеистик мафкура” тушунчаларининг нисбати аниқлаб олинади. Диний ва дунёвий мафкураларнинг моҳияти, хусусиятлари, жамият ҳаётидан ўринлари ҳозирги фан даражасида тадқиқ қилинган.

Диний ғоялар у ёки бу даражада тизимга тушганда, маълум мақсад ва манфаатлар асосида шакллангандағина диний мафкура тўғрисида гапириш мумкин. Шундагина у таълимот (доктрина) сифатида бошқа мафкуравий тизимлардан фарқланади ва улар билан муносабатда бўлади. Унгача бўлган ғоя, қарашларни дунёқараш тушунчасида ифодалаш ўринлидир. Бинобарин, диний мафкура турли ижтимоий гурухларнинг жамиятдаги мақомлари ва ўзига хос манфаатлари билан боғлиқ. Диссертацияда “дунёвийлик” тушунчasi, унга берилган таърифлар ҳам таҳлил қилинади. Бу тушунча бир қарашда ҳаммага тушунарли, жуда оддий, лекин ўз таркибидаги ёки ўзаро яқин тушунчалардан

¹ Ю Г Волков. Манифест гуманизма (Идеология и гуманистическое будущее России) М.: «Мысл», 2000, С 86.

(масалан атеизм, дуализм, деизм, матереализм ва ҳ.к.) тафовутларини тушуниб олиш лозим. Биз ана шу тамойилдан келиб чиқиб, мавжуд таърифларга муносабат билдириб дунёвий мафкурага қуидагича таъриф берамиз:

Дунёвий мафкура деб дунё ва инсон ҳәтини ундан ташқарида ва устун турган илохий куч билан эмас, ўзи яшаб турган моддий дунёнинг ягона реаллиги, унда инсоннинг ўрнини рационал мантиқий тафаккурга, тажрибага таяниб асослаб берувчи идеалларга, қадриятларга, ғоялар ва қарашлар мажмуига айтилади.

Диний мафкура деб эса, дунё ва инсон ҳәти моҳиятини илохий куч билан боғловчи, шу асосда жамият ёки айрим гуруҳлар манфаатларини ифодалайдиган идеалларга, ғоялар ва қарашлар мажмуига айтилади.

Диссертацияда диний мафкурани ташкил қилган унсурлар ўртасидаги, хилма-хил фан ва диний мафкуралар ўртасидаги, у билан ёнма-ён бўлган дунёвий қарашлар ва мафкуралар ўртасидаги ўзаро таъсир унинг такомиллашиб боришини таъминлаши етарли даражада асослаб берилган.

Масалан, турли динларни олайлик. Улар бир-бирига қарши курашиш билан бир қаторда бир-бирини бойитган ҳам. Ҳудудимизда пайдо бўлган зардуштийлик ҳинд дини ва фалсафасига, Ведаларга бориб тақалади. Ўз навбатида ундаги ғоялар, қарашлар ва айрим маросимлар (жаннат, дўзах, қил кўпириқ, фаришталар, оловга муносабат ва ш.к.) иудаизм, христианлик динларига, улар орқали ислом динига ўтган.

Фалсафада пантеизм, деизм, дуализм оқимлари унсурларини ислом мамлакатлари мутафаккирлари ижодида ҳам кўрамиз. Унда диний ва дунёвий мафкуралар кураши намоён бўлади. Мусулмон дунёсида Закариё ар-Розий, ал-Мутанабби, Абу Ало ал-Мааъррий диний қарашларга¹ зид дадил фикрлар билан чиқдилар, ундаги айрим ғояларни ошкора танқид қилдилар. Аждодларимиз бўлган Форобий, Умар Хайём, Беруний, Ибн Сино каби буюк файласуф ва олимлар ҳам ҳур фикрлилик намуналарини кўрсатдилар² Мусулмон дунёсида кенг тарқалган икки ҳақиқат назарияси дунёвий, илмий мулоҳазаларнинг эркин ривожланишига яхши имкон яратди.

Диний мафкурада дунёвий мафкураларда бўлганидек ўзгариш ва янгиланиш жараёни ҳар доим кечган. Аммо ҳозирги даврда диний мафкуранинг эволюцияси ва тараққиёти дунёвий мафкуралар билан муносабати қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ерда ўзига хос кураш тўхтаб қолмаганлиги, янги – янги шаклларда давом этаётгани диссертацияда асослаб берилади. Дин инсоният жамиятининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, жамиятда турли манфаат, интилишларга эга гуруҳлар, ижтимоий қатламлар мавжуд экан, муқаррар суратда мафкуравий функциялар касб этади ва ижтимоий ҳаётни бошқаришда, истиқбол йўлларини белгилашда ўз ўрнига эга бўлади. Диний ва дунёвий мафкуралар ўртасида муносабат турли шакл ва мазмун касб этиб келган, очик ва яширин, динийлик бағрида ва ундан ажралган ҳолда давом этган. У ёки бу томон

¹ Сайд Мұжтоба Мукни Мусави Лари. Западная цивилизация глазами мусулманина. Баку.: Иршод, 1992.- С.117-119.

² Бу ҳақда тўлароқ каранг: В.В. Соколов. Средневековая философия. М.: Высшая школа, 1979.

мутлақлаштирилганда эса, инкор қилинган томон ҳаёт-мамот кураши олиб борган ва охир-оқибатда ўзлигини сақлаб қола олган.

Диссертациянинг “Хозирги даврда диний ва дунёвий мафкураларнинг жамият ҳаётидаги ўрни” деб номланган иккинчи бобида, жамият тараққиётининг ҳозирги мураккаб даври, диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзаро муносабатлари, шароитлари, имкониятлари, шакл ва воситалари, зарурият ва оқибатлари фарқ қилиши асослаб берилади. Постиндустрисал жамиятнинг шаклланиши, бутун дунёда, барча соҳада тобора чуқурлашиб бораётган глобаллашув жараёни, мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий, маънавий ҳаётида шундай муаммоларни келтириб чиқармоқдаки, улар диний ва дунёвий мафкуралар ўртасидаги муносабатнинг, куашнинг шаклларига, йўналишларига ҳал қилувчи таъсир ўтказмоқда, жамият истиқболи нуқтаи назардан улар ўртасидаги муносабатнинг самарали йўналиш ва шаклларини танлаб олишни зарур қилиб қўймоқда.

Шу муносабат билан мазкур бобда постиндустрисал жамият, глобаллашув жараёнларининг моҳияти, хусусиятлари, жамият ва инсон ҳаётига таъсирлари қандай муаммоларни келтириб чиқараётганлиги, бу даврда диний ва дунёвий мафкуралар ўзаро муносабатнинг мазмуни, шакли ва мақсадларида қандай жараёнлар, тенденциялар намоён бўлаётганлигини, диний ва дунёвий мафкуралар ўртасида самарали диалог зарурияти, бу соҳада жамият олдида турган муаммолари таҳлил қилинади. Унинг биринчи “Глобаллашув шароитида диний ва дунёвий мафкураларнинг ривожланиш хусусиятлари” деб номланган фаслида жамият тарихида диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзаро муносабати ўзгариб келганлиги, ҳозирги глобаллашув жараёнлари бу муносабатга қандай таъсир қилаётгани таҳлил қилинади. Диссертацияда глобаллашувнинг чуқурлашиб бориши оқибатида диний ва дунёвий мафкуралар ўртасида турлича зиддиятли жараёнлар, ўзаро интенсив таъсирлар кечеётганлиги кўрсатилади.

XIX ва XX асрларни дунёвий мафкураларнинг (биринчи навбатда илмий билимларнинг) дин ва диний мафкура устидан ғалабаси даври дейиш мумкин. Бу даврда айниқса фаннинг ривожланиши, унинг ютуқларининг кенг тарқалиши, дунё илмий манзарасининг шубҳасизлигига ишончнинг ортиб бориши, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, аҳолининг иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар дунёвий мафкураларнинг жамият ҳаётида мавқеи ошишига, аксинча дин ва диний мафкураларнинг янада жадал чекинишларига олиб келди.

Бироқ XX асрнинг 2- яримидан, глобал муаммолар кескинлаша бориши, фан инқирози сезила бориши билан динга бўлган муносабат ҳам бир томонламалиқдан холи бўла борди. Диннинг ўта мураккаб ҳодиса эканлигини таниқли диншунос С.А.Токарев шундай ифодалайди: “Турли халқларнинг ва даврларнинг олдимизда кечган дин тарихи манзаралари нимага ўргатди? Инсоният ўтмишида унинг ўрни қандай бўлган, кишилар ҳаётидаги унинг роли ҳозир қандай? Биринчи ва энг шубҳасиз хулоса: дин тарихи – инсон ақли янгилишиларининг оддий тарихи эмас. Агар дин факат дунё ҳақида хато тасаввурларининг йифиндиси бўлганида эди, унинг инсоният тарихидаги роли жуда камтарона бўлган бўлур эди; кишилар тараққиёт сари ўз йўлларида кўпгина

ёлғон қарашларни бартараф қылғанлар; Бу ёлғон қарашлар, албатта олға ҳаракатта халақит берган, лекин улар инсоннинг дунёни билиш сари ҳар бир қадами билан қулдек сочилиб кетган. Диннинг тақдири эса бошқача бўлган: у фантастик, ёлғон тушунчалар билан тўла, лекин бу ёлғон тушунчалар, нима учундир, ҳайратланарли даражада мустаҳкам ва гўёки тажрибага асосланган билимлар учун ўтиб бўлмасдир”¹.

Таникли олим Н.Н.Моисеев ҳам уни қўллаб – қувватлаб қуидаги фикрни билдирган: “Бу эҳтиёж, бу дунёни сезиш мазкур одамда бўлиш ёки бўлмаслиги – бошқа масаладир. Лекин диний ҳиссиёт ҳеч қандай билим тўлдира олмайдиган инсоннинг маънавий дунёсидаги маълум бўшлиқни тўлдиради”². Бундай фикрларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Фаннинг ҳозирги даврдаги инқирози глобал характерга эга, чунки у миллий қиёфада эмас, унинг ютуқ ва камчиликлари барчамиз учун умумийдир. Шу муносабат билан дунёвий мафкураларнинг ҳам, дин ва диний мафкураларнинг ҳам мазмунида, йўналишларида жамият ҳаётидаги ўрнида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жамият тараққиёти, фан юзага келтирган турли-туман таҳдидларни бартараф этиш мақсадида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида, турли йўналишларда инсоният истиқболининг турли йўллари изланмоқда. Динни куч билан сиқиб чиқаришга уринишлар, унинг албатта барҳам топиши хақидаги догма барбод бўлди. Диний уйғониш тенденцияси тантана қилди. Дин цивилизациялар маънавий бирлигини кучайтиришнинг, социомаданий соҳадаги ҳиссий ва илоҳий элементларнинг гармоник бирлигини тиклашнинг омилига айланди. Диссертацияда бу жараён фалсафий таҳлил қилинган, қатор омиллари кўрсатиб берилган.

Умуман Шарқ дунёқарашида динийлик ва дунёвийлик кескин ажралиб, ўзаро қарама-қарши турмайди. Унда диний, фалсафий қарашлар ўзаро чирмашиб кетган. Шарқ фалсафасида ишлаб чиқилаётган ғоялар диний моҳиятга эга бўлсада, инсоннинг фалсафий дунёқарашини кенгайтиради.

Ислом дини ва мафкураси христианликдан фарқ қилиб, фанга, давлат, сиёсий ва дунёвий мафкураларга ўзгача муносабатда бўлиш анъанасига “садик” бўлиб келаётганлиги билан кескин фарқланади. Яъни христиан черкови дунёвий давлатдан ажралган, фанга нисбатан ўтмишдаги адолатсизликларини расман тан олган, жамиятнинг виждан эркинлиги тамойилига асосланаётган бўлса, ислом ва унинг мафкурасининг хусусиятлари у фаолият кўрсатаётган жамиятнинг ҳолати билан белгиланади. Шу муносабат билан диссертацияда диний ва дунёвий мафкураларнинг мустақил Ўзбекистон шароитида ўзига хос муносабатлари таҳлил қилинади.

Ўзбекистонда диний мафкура дунёвий мафкура билан ҳамкорликда ягона умумий мақсадни кўзлаб ривожланмоқда.

Аммо Ўзбекистонда диний ва дунёвий мафкуралар ўртасида кураш йўқ, деган холосага чиқариш керак эмас. Диссертацияда улар моҳиятан фарқ қилиб,

¹ Токарев С.А. Религия в истории народов мира. М., «Политиздат» 1986. С.537.

² Моисеев Н.Н. Расставание с простотой. М.: «Мысл», 1998. С. 17.

жамиятга, келажакка, инсоният ҳаётининг мақсади ва мазмунига турлича қарашлари ва ўзга хос қарашлари таҳлил қилинади.

Мазкур бобнинг “**Конструктив диалог – диний ва дунёвий мафкуралар ўзаро ҳамкорлигининг самарали усули**” иккинчи фаслида муаллиф ҳозирга қадар ҳам диний мафкураларнинг турли кўринишлари вакиллари ўртасида (масалан, суннийлар ва шиалар, Шимолий Ирландия католиклари ва протенстантлари, Ливанда христианлар ва мусулмонлар ўртасида) ва уларнинг дунёвий давлатлар билан конфликтли зиддиятлар, (исломий мамлакатларда) душманларча муносабатлари давом этайдиганлигига қарамасдан, турли концепциялар: христиан, мусулмон, буддавий ва диний дунёқарашларнинг бошقا кўринишлари конфессиялари вакилларининг фаолиятларида бирлашиш тенденцияси устувор бўлиб бораётганлиги батафсил таҳлил қилинади. Диссертацияда диалогнинг моҳияти, ҳозирги даврдаги зарурияти, хусусиятлари таҳлил қилинар экан, турли дунёқарашлар ва мафкуралар ўртасидаги диалог ҳар бирининг ўз тамойилларидан воз кечишлигин билдирилмаги, ўзаро яқин, мос келадиган нуқтаи назарлар бўлган масалаларнинг ечимини биргаликда топишга йўналтирилиши асослаб беради. Дунёқарашлар ва мафкуралар диалогига ўтиш учун қандай шароитлар, омиллар ундаётганлиги диссертацияда очиб берилган.

Глобаллашув жараёнининг ўзига хос томони шундаки, у турли субъектлар ўртасидаги мулоқотни бекиёс даражада кучайтиради, мулоқотнинг янги шаклларини, кўринишларини, турларини вужудга келтириб чиқаради. Мулоқот “Танишув”, “фикр алмашув”, “бир-бирини ўрганиш” тушунчаларига ҳамоханг бўлиб, ўзаро муносабатларини ойдинлаштириш, бир-бирини ўрганиш ва баҳолаш, умумий манфаатларни англаб олиш воситаси. У шакл жиҳатидан бевосита ва билвосита, шахслараро, миллатлараро, динлараро, маданиятлараро, тамаддуллараро ва ҳоказо бўлиши мумкин. Мулоқот мазмун жиҳатидан бир-бирини бойитишга, бирор нуқтаи назардан вос кечиб, иккинчисини қабул қилишга, умумий нуқтаи назарни ишлаб чиқишга йўналган бўлиши мумкинлиги асосланган. Шундай қилиб, глобаллашув жараёни жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиб, уларнинг ривожланиш, ўзаро муносабат имкониятларини тубдан ўзгартирди, жамиятнинг ўзгариш темпини юқори даражага олиб чиқди. Глобаллашувнинг объектив, инқилобий, ижобий томонлари билан бирга, агар унинг субъектив томонлари устуворлик қиласидиган бўлса, жамият мавжудлиги хавф остида қолиши мумкин. Диссертацияда тамаддуллар тўқнашуви, миллатлар ва уларнинг ўзига хос маданиятлари йўқолиб кетиши, қарама-қарши оқимлар, йўналишлар ўртасидаги конфликтлар бундай ҳолда ҳал қилиб бўлмайдиган муаммоларга айланиши асослаб берилади.

Глобаллашув шароити диний ва дунёвий дунёқарашлар, мафкуралар ва турли кучлар ўртасида диалог бўлишини ҳоказо қилмоқда. Диалог бир – бирини ўрганишга, мавжудлигини ва бунга ҳакқи борлигини тан олишга, турли қарашлар ўртасида умумий қадриятларни аниқлаш асосида ҳамкорлик қилишга йўл очади.

Диний ва дунёвий мафкуралар ўртасидаги қарама-қаршилик мутлақ эмас, улар ўртасидаги муносабат жамият эҳтиёжлари ва уларнинг жамият ривожидаги ролларига кўра ўзгариб, такомиллашиб боради. Диалог факат улар ўртасидаги умумий қадриятларни белгилаб олиш ва шу асосида ҳамкорлик муносабатларини

ўрнатиш билан чекланмайди. Диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзига хослиги, жамият ривожида кишилар ҳаётида ўзига хос роллари, такрорланмас хусусиятлари ҳам диалог жараёнида аниқланади.

Диний ва дунёвий қарашларнинг жамият ҳаётидаги ўз ўрнини англаш, тан олиш диалог туфайли амалга ошади. Диссертацияда ҳозирги глобаллашув даврида аксил фуқаровий мафкураларга қарши қурашда диний ва дунёвий дунёқарашлар, мафкуралар биргаликда фаолият олиб боришлари зарурлиги, конструктив диалог зиддиятларни ҳал қилишнинг ягона усули эканлиги устувор бўлиб бораётганлиги кўрсатиб берилади.

Ҳозирги дунёда постиндустриал жамиятнинг шаклланиши, инсоннинг табиатга таъсири кескин кучайиши оқибатида умуминсоний муаммоларнинг вужудга келиши, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олаётган глобаллашув жараёнлари диний ва дунёвий мафкуралар ўзаро муносабати характерини ҳам белгилаб берди. Илгарги жамиятларда бу мафкуралар ўртасида асос тамойилларни биринчи ўринга қўйиб, ҳаёт-мамот қураши олиб борган бўлсалар, ҳозирги жамият шароитида инсоннинг дунёвий ҳаёти, жамият истиқболи масаласи устувор аҳамият касб этиб, диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзаро муносабати шакллари йўналишларини белгилаб бермоқда. Эндиликда бу қурашда ким ғолиб чиқиш эмас, муаммоларни ҳал қилишда ўз ҳиссасини қўшиш, ўрнини топиш муҳим бўлиб қолди. Бироқ бу автоматик равишда ҳал қиласидиган натижа бўлмай, кескин қурашлар, изланишлар натижасида амалга ошмоқда. Диний мафкураларнинг турли радикал, ақида-парастликка асосланган йўналишлари конкрет мамлакат ва минтақаларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий шароитларида динни муаммони ҳал қилишнинг ягона усули деб ҳисоблаб, ўзларининг ғаразли манфаатларидан келиб чиқиб, муросасиз қураш олиб бораётган бўлсалар, бошқа йўналишлар давр, истиқбол эҳтиёжларига таянган ҳолда дунёвий мафкуралар билан ҳамкорлик сари йўл тутмоқдалар. Демократия тамойиллари мамлакатлар ҳаётида қарор топа борган сари диний ва дунёвий мафкуралар ўртасидаги муносабатларда ҳамкорлик, самарали диалог устун бўла бораётганлиги диссертацияда батафсил ёритилган.

Учинчи боб – “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини яратиш шароитида диний ҳамда дунёвий мафкураларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли” деб номланган бўлиб, унда собиқ Совет тоталитар тузуми барҳам топиб, унинг ўрнида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, бу мамлакатлар ҳудудларида (ҳатто ундан ташқарида ҳам) мафкуравий қураш ғоят кескинлашиб кетганлиги, янги, дунёвий давлат ва демократик жамият қуриш шароитида диний мафкуранинг манбалари, ижтимоий асослари дунёвий мафкуралар билан муносабати тоталитар тузуми давридагидан фарқли равишида қандай кечеётганлиги, ўзаро муносабатлари тамойиллари, тенденциялари батафсил ёритилади. Учинчи бобнинг биринчи фаслида “Ўтиш даврида диний ва дунёвий мафкуралар ўзаро таъсирининг кучайиши” деб номланиб, унда собиқ тоталитар тузуми даврида динга ва дунёвий мафкурага муносабат, унинг мудҳиши оқибатлари мустақиллик шароитида “диний портлаш”га олиб келганлиги, “диний портлаш”нинг моҳияти, асослари, хусусиятлари, динийлик ва дунёвийлик тамойилларини уйғулаштириш масаласи фалсафий таҳлил

қилинади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу масалада аниқ-равшан қатъий таъкидлади: “Бизнинг бу масаладаги йўлимиз аниқ ва қатъий: дин диннинг ишини, давлат давлатнинг ишини қилсин”¹. Бу тамойил Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини, давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни белгилашга асос бўлувчи тамойил эди. Президент Ислом Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида дунёвий жамият қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда давлатнинг дин билан муносабатлари мазмун-моҳиятини белгиловчи тамойилларни алоҳида таъкидлайди.

Диссертацияда Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқий меъёрларга тўлиқ жавоб берадиган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунда белилаб берилган тамойилларига асосланилса дин дунёвий давлат билан нафақат муроса қилиши, балки умуммиллий юксалиш йўлида у билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкинлиги батафсил таҳлил қилинган. Шу билан бирга диссертант ҳозирги дунёда диний ва дунёвий мафкуралар ўртасидаги муносабатда ҳал қилинмаган, зиддиятли, кескин муаммолар борлигига алоҳида эътибор қаратади. Биринчидан, диний мафкураларнинг турли-туман кўринишлари мавжуд бўлиб, жамият келажаги йўлларини турлича тасаввур қиласидар. Иккинчидан, турли конкрет жамиятларда дин ва диний мафкураларнинг мавқеи, мақоми, олдига қўйган мақсадлари, жамият ҳаётига таъсир даражаси ҳар хил. Давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар тамойиллари ҳам ягона эмас. “Дин - сиёsatдир”, “Дин – хусусий иш” каби тамойиллардан келиб чиқадиган мамлакатлар ҳам бор. Учинчидан, у ёки бу дин тарқалган мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий соҳалардаги вазифалари ҳам ҳар хил бўлиб, диний мафкураларнинг мазмунига, йўналишига, хусусиятларига албатта таъсир кўрсатади. Тўртинчидан, давлат таянадиган диний мафкура билан бир вақтда мухолифатдаги кучлар диний мафкураси ўзаро курашади. Бешинчидан, диний ва дунёвий мафкуралар ўртасидаги методологик аҳамиятга эга бўлган принципиал тафовутлар, зиддиятлар ҳам борки, улар ўртасида маълум масалаларда зиддият, демак ўзаро кураш жараёни давом этаверади.

Муаллиф фикрича, Ўзбекистон холисона тамойилларга асосланиб, диндан миллий, дунёвий тараққиёт йўлида самарали фойдаланиш борасида қисқа давр мобайнида улкан ишларни амалга оширди.

Диссертацияда динга муносабатнинг ҳолати, омиллари, хусусиятлари, ёш авлод дунёқарашида динийлик ва дунёвийликнинг ўрни социологик тадқиқотлар асосида таҳлил қилинган. Ёш авлод дунёқарашида диний тасаввурлар қандай шаклланадигани 200 дан ортиқ лицей, институт ёшлари ўртасида сўров воситасида ўрганилиб, фактик материаллар умумлаштирилган, динга, диний мафкураларга бўлган муносабатнинг ўзгариш тенденциялари, омиллари аниқланган, уларда динийлик ва дунёвийликка нисбатан объектив, ижобий муносабатларни шакллантириш йўллари асосланган. Социологик тадқиқотлар

¹ И.Каримов. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” Т.: “Ўзбекистон”, 1997.- 41-42- бетлар.

кўрсатдик, бугунги ёшлармизнинг динга бўлган муносабати тоталитар, атеистик тузум давридагига нисбатан кескин ўзгарган, умуман динга ижобий, холис муносабат шаклланиб бормоқда. Таълим сифати ошиб бориши, фан асосларини чуқур ўрганиш, рационал, танқидий, демократик тафаккур динга холисона муносабатни шакллантириши социологик тадқиқотимиздан келиб чиқадиган мухим хулоса диссертацияда асослаб берилган.

Диссертацияда қилинганди асосли хулосага кўра, мутлақ кўпчилик ёшлар мафкурасида динийлик ва дунёвийлик нисбати, ўзаро муносабати янги жамият қуриш йўлида бунёдкорлик фаолиятига йўналтиради. Жуда озчиликни ташкил қилувчи айrim респондентлар диний мафкурани янада кучайтириш, такомиллаштириш истагида бўлса-да, дунёвийликка мутлақ қарама-қарши кўйиш, улар ўртасида муросасизликка мойиллик яққол бўртиб турмайди.

Тоталитар тузумдан янги, демократик давлат ва фуқаролик жамиятига ўтиш даврида диний ва дунёвий мафкураларининг ўзаро муносабатлари бир қатор ўзига хос хусусиятлар билан характерланади. Ўтиш даврида диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзаро таъсири, муносабати ўзгарувчан характерга эга бўлади. Собиқ атеистик тузумга реакция сифатида юз берган диний портлаш кейинчалик ҳам ўзаро муносабатларда ўз таъсирини саклаб қолади. Диний мафкурани мутлақлаштиришга, дунёвий мафкурадан устун қўйишга маълум даражада уринишлар юз беради. Ташқаридан келадиган тажовузкор дин ниқоби остидаги мафкуралар бу ҳолатдан фойдаланиб қолишга уринади. Ўзбекистоннинг янги жамиятга ўтиш даврининг дастлабки йилларида диний мафкура аҳолининг, ҳатто зиёлиларнинг анча қисмига ўз таъсирини ўтказа олган. Бироқ давлатнинг холисона муносабати, ҳалқ манфаатига асосланган принципиал йўли дунёвий ва диний мафкураларни бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик қилиш учун шароит яратиб берди. Диссертацияда диний ва дунёвий мафкуралар ўртасида холисона, англанган муносабатлар қарор топишига эътибор берилаётганлигининг аҳамияти билан боғлиқ таклиф ва хулосалар берилади.

Мазкур бобнинг “Дунёвий ва диний мафкуралар ҳамкорлиги – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришнинг мухим омили” деб номланган иккинчи фаслида, аҳоли, хусусан ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар онгидан диний ва дунёвий қарашлардаги бағрикенглик, ҳамкорлик муносабатлари руҳини шакллантириш фалсафий таҳлил қилинади.

Ҳозирги янги жамиятга ўтиш давридаги иқтисодий қийинчиликлар, бозор муносабатлари шароитида зарурӣ бўлган ижтимоий табақаланишининг кучайиши, таълим сифатининг ҳолати, тарбия соҳасидаги камчиликлар, баъзан ижтимоий адолат меъёрларининг бузилиши, чет элдан тарқалаётган бузғунчи ғояларнинг таъсири ва бошқа омиллар динийлик ва дунёвийлик муносабатлари характерига таъсир қўрсатади. Бу шароитда диний ва дунёвий мафкуралар ўзаро муносабатини оптималлаштиришда мафкуравий тарбия ҳам алоҳида ўрин тутади. Диссертацияда диний мафкураларнинг мақсади, вазифалари, шундан келиб чиқадиган мазмуни турли мамлакатларда турлилиги, ғаразли манфаатларни кўзлаган айrim кучлар диндан ниқоб сифатида фойдаланиб, ўз домига тортишга интилиши асослаб берилган. Ҳозирги ахборотлашган жамиятда, глобаллашув шароитида айrim ёшлар онгига бу ҳолат салбий таъсир қилиши мумкин. бу –

биринчидан. Иккинчидан, диний онг ўзгармас бўлмай, янги-янги диний ғоялар пайдо бўлиб туради. Диний онгнинг жамият интеллектуал даражасига мос ўзгариши, такомиллашуви – зарурий, ижобий жараён. Аммо ҳозирги даврда пайдо бўлаётган янги диний секталар жамият маънавий тараққиётининг бош, келажак камолотига мос келмайдиган, инқизоли жабҳаларида пайдо бўлмоқда. Бундай секталар ёшларнинг бир қисмини ўз томонига оғдириб, ижтимоий хаётдан четлаштиришга, ёшлар фаолиятини давр қўйган муаммоларни оқилона ҳал қилишга йўлламасдан, тушкунлик, эгоистик, умидсизлик кайфиятини ифодаламоқда, жамият маънавиятига катта зарар етказмоқда. Диссертацияда бу мулоҳазалар диний секталар фаолиятидан кўплаб мисоллар орқали асослаб берилган.

Муаллиф Виждон эркинлиги амалда таъминланган демократик мамлакатларда диний ва дунёвий мафкуралар ўртасидаги зиддият антоганизм шаклида бўлмаслигини, аммо кураш, зиддият, рақобатли ҳолатлар, ҳатто айrim масалаларда эса кураш кескин тус олиши ҳам мумкинлигини далиллар асосида исботлаб беради. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда диний ва дунёвий мафкуралар ўртасидаги муносабатнинг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири)” (1998) Конунида ва бошқа ҳужжатларда яққол ифодалаб берилган. Тоталитар тузумдан демократик жамиятга ўтиш даврида диний ва дунёвий мафкуралар ўзаро муносабатида уч босқични ажратилиб бу босқичларнинг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. “Диний портлаш” босқичи, рақобат босқичи ва ҳамкорлик шунингдек, ўзаро ҳамкорлик, дўстлик тамойилларига асосланган конфессиялараро муносабатларнинг давлат сиёсатига айланганлиги етарли далиллар асосида таҳлил қилинади.

Дунёвий йўлни қатъий танлаган Ўзбекистонда диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзаро муносабати демократия, ҳур фикрилилик, бағрикенглик тамойиллари асосида белгиланади. Дин ва диний мафкураларининг миллий тарихий қадриятларни ҳалққа қайтариш, уларни ўрганишдаги ролидан ташқари янги жамият қуришда ҳам ижобий аҳамияти бор. Собиқ атеистик мафкура ҳукмронлик мавқеини йўқотгани дунёвий мафкуранинг таназзулини билдирамайди, аксинча эркин, холисона, ҳаёт, истиқбол талабларига мос такомиллашиб боришига имкон беради. У янги шароитда диний мафкурага рақиб, душман сифатида эмас, ҳамкор сифатида муносабатда бўлади, янги демократик жамият қуришга йўналганлик улар ўртасидаги муносабатда бош тамойилга айланганлиги диссертацияда атрофлича ўрганилган.

Хуллас, янги жамият қуриш жараёнида динни ва диний мафкурани дин ниқобидаги заарли, ёт ғояларидан ҳимоя қилиш нафақат мазкур соҳада хизмат қилувчиларининг, балки бутун жамиятнинг ишига айланади. Диннинг мафкуравий функцияларига нисбатан диннинг ижтимоий номафкуравий функциялари устувор аҳамият касб эта боради. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидай дин ўз ишини қилса кишилар маънавий ҳаётида яҳши натижга бериши мумкин.

ХУЛОСА

Миллий истиқлол мафкурамизнинг бош мақсади – Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш эканлиги барча гурӯҳий, синфий мафкуралар унга хизмат қилишини, уни амалга ошириш учун йўналганлигини билдиради. Шу жумладан диний қадриятлар ҳам миллий мафкурамизнинг таркибида ўзига хос ўрин тутади. “Ислом дини, - деб таъкидлайди И.А.Каримов, - ота – боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам аҳлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йифиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиласидилар ва яҳши ўғитларга амал қиласидилар. Мехр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиласидилар.

Кўхна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, дин ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яҳши ҳислатларини кўпайтириб, ёмонлардан халос бўлишга, чорлаган. Ҳар бир алоҳида инсонга, оила жамоа, минтақа, бир сўз билан айтганда умумхалққа раҳнома бўлган. Уни оғир-оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, ишонтирган. Бундай даъват ўз навбатида одамларга куч-кувват бағишлаган, иродасини мустаҳкам қилган, бир-бирига меҳру оқибатини оширган”¹.

Президентимизнинг динга берган бу баҳоси диннинг, диний қадриятларининг миллий мафкурамизда маълум ўрнини, дунёвийликка хизмат қилиши ҳақида ҳолосага олиб келади. Дарҳақиқат, миллий мафкурамизда диний ва дунёвий қадриятлар, жумладан мафкуравий қадриятлар ҳамоҳонгликда, ягона мақсаднинг қирралари сифатида намоён бўлади.

Бироқ ҳар қандай қадрият субъектнинг фаолияти, интилиши, ундан эзгу мақсадларда фойдалана олиши туфайли самара беради. Дин, юртбошимиз таъкидлаган ижобий томонларини намоён қилиши учун диний билимларни ҳаққоний ўрганиш, тўғри диний тарбия, маърифат керак. Бу жараёнда тўғри йўналган, дунёвийлик билан ҳамкорлик қиласидиган диний мафкура ҳам керак. Жамиятимизда диний мафкуранинг аҳамияти бундангина иборат эмас. Зарур шароитда маънавий бўшлиқни тўлдиришда, ғаразли, бегона ғояларга қарши курашда ҳам муҳим рол ўйнаши зарур.

Ижтимоий ҳаёт барча соҳаларнинг, жумладан мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви, мафкуравий курашнинг кескинлашганлиги, умуминсоний муаммоларнинг таҳдидлари мафкуравий жабҳада ҳушёрликни, оқилликни тақозо этади. Янгича тафаккурда муроса, диалог, бағрикенглик тамойиллари устувор бўлиши лозим. “Ёки ... ёки” эмас, “ва...ва” тамойили диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзаро муносабатида ҳам асосдир.

Жамият тарихида диний ва дунёвий мафкуралар ўзаро муносабатининг турли омиллар таъсирида ўзгариб боришининг таҳлили кўрсатадики, бу муносабат барча шароитларда мураккаб бўлган, кураш ва муроса турли шаклларда, қўринишларда давом этган. Замонлар бўлганки, динийлик ва дунёвийлик бир-биридан ажралмаган, дунёвийлик динийлик бағрида, динийлик

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари.З-ж, Т.: “Ўзбекистон”, 1996.- 40- бет.

қиёфасида унга қарши бош кўтарган, вазиятлар бўлганки, улар ўртасида очик хаёт-мамот кураши кетган. Улар ўртасидаги муносабатнинг қандай бўлиши фан ва илмий билимлар ривожига, уларнинг диний дормалар мазмунига мос ёки мос эмаслигига, дунёвий тараққиётнинг хусусиятларига, ижтимоий қатlam ва гурӯҳларнинг манфаат-интилишларига, мавжуд ижтимоий ғояларнинг таъсирига боғлик бўлган.

Ҳозирги даврда эса диний ва дунёвий мафкуралар муносабати қатор янги хусусиятлари билан ажralиб туради. Илм-фан ва техниканинг юксак даражаси, демократик тамойилларнинг илдиз отиши, аҳоли турмуш даражасининг юксалиши айrim мамлакатларда секуляризмни кучайтирган бўлса, юқоридаги масалаларда орқада бўлган мамлакатларда дин турли кучларнинг, диний экстремистик, радикал ҳаракатларнинг мафкуравий қуроли сифатида ҳам фойдаланилмоқда.

Аммо ҳар икки гурӯҳ мамлакатларида ҳам диний ва дунёвий мафкуралар ўртасидаги кураш тўхтаган эмас. Ҳатто секуляр Европада ҳам дин ўз мавқенини мустаҳкамлаш имкониятларини топмоқда. Шу билан жаҳон миқёсида диний ва дунёвий мафкуралар ўртасида глобал муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ҳамкорлик, диалог зарурияти тобора яққол бўлиб бормоқда. Бу масалада ҳар бирининг ўрни, мавқеи, аҳамияти маълум бўлмоқда.

Собиқ тоталитар давлати ўрнида пайдо бўлган жамиятларда диний ва дунёвий мафкуралар ўртасидаги муносабат умумий хусусиятлар билан бирга ўзига хосликлар билан тафовутланади. Бунда мамлакатлардаги ички сиёсий, иқтисодий вазият билан бирга, ташқи таъсирларнинг алоҳида ўрни бор. Радикал диний ҳаракатлар четдан айrim ёш мамлакатларга суқилиб кирганлиги ҳар бир ёш давлатларда турли оқибатларни келтириб чиқарди.

Хусусан Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишга, диний мафкуравий таҳдидларга муносиб жавоб беришга эришилди. Ўтиш давридан кейинги янгиланиш йилларида Ўзбекистонда диний ва дунёвий мафкуралар ўртасида ҳамкорлик учун шароит яратилди.

Албатта, ҳозирги даврда, ҳатто истиқболда ҳам диний ва дунёвий мафкуралар ўртасида зиддиятлар, қарама-қарши нуқтаи назарлар бўлишини инкор этиш мумкин эмас. Дунёқарашиб, оламнинг моҳияти, жамият тақдири масалаларида қарама-қарши нуқтаи назарлар, азалда бўлгани каби, бундан кейин ҳам курашади. Бу масалаларда ҳамма жойда кураш бўлган ва таълим-тарбия жараёнида ҳеч қачон тўхтамайди. Дунёвий мафкуралар у ёки бу ижтимоий манфаатларга, фан ва илмий билимларнинг реал натижаларига асосланса, диний мафкура ҳам илгарги даврлардан фарқ қилиб, фан ютуқларининг диний талқинига ҳамда ҳозирча фандан ташқарида бўлган муаммоларга таяниб ҳаракат қиласди.

Демократияга асосланган, замонавий тамаддун ютуқларига хос жамият қураётган Ўзбекистонда ҳам диний ва дунёвий мафкуралар ўртасида бир қатор умумий мақсадлар билан бирга қарама-қарши, зиддиятли нуқтаи назарлар мавжудлигини кўрдик. Дунёвийликни устувор тамойил сифатида фаолиятимиз асосига қўйиш орқалигина бу зиддиятларни самарали ҳал қилиш мумкин. Муроса

мақсадида ёки бошқа сабаблар билан ўз нуқтаи назаридан чекиниш мафкура соҳасида мувоффақиятга олиб келмайди.

Ижтимоий ва табиий фанларни ўқитиши сифатини ошириш, дастурларини такомиллаштириш, дарсликларни жаҳон фани даражасида яратиб, ёш авлоднинг пухта билим олишини таъминлаш зарур. Ижтимоий фанлар дарслик ва қўлланмаларида жаҳон фани, жамияти ютуқлари акс этмаса,ёки умумий гаплар меъёридан ошиб кетса, уларнинг таъсирчанлиги аксинча кучсизланиши мумкин.

Мамлакатимизда шундай демократик қонунлар яратилдики, дин эркин ривожланиши, жамият ҳаётида ўз ўрнини эгаллаш учун барча шароитлар муҳайё қилинди. Бироқ энг муҳим диний тарғибот, диний мафкура миллий мафкурамизнинг унсури сифатида жамият тараққиётига хизмат қилиши керак. Ўзбекистон Президенти огоҳлантирган эди: “...мафкуравий масалани ҳал этмасдан туриб, Конституция белгилаб берган мақсадларга эришиш, у олдимизга қўйган талабларга жавоб бериш мумкин эмас.

Янги мафкуранинг асл мазмуни – янгича, эркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо холи, мустақил инсонни тарбиялашдир.

Янгича фикрлайдиган фозил инсон, энг авволо фуқаролик бурчини ҳис этадиган шахс бўлиши даркор”¹.

Президентимизнинг бу сўзлари барчанинг – дунёвий мафкура тарғиботчиларнинг ҳам, диний мафкура тарғиботчиларнинг ҳам фаолият тамойилига айланса, бу икки ёндашув, йўналиши ўртасидаги муносабат, ўзаро таъсир бунёдкорликка йўналади. Олиб борилган тадқиқотларимиз диний ва дунёвий мафкура ўзаро муносабатида, уларнинг ёшлар онги ва қалбига ўтказаётган таъсирида қатор муаммолар борлигини кўрсатди.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб, тадқиқотда биз бу муаммоларнинг айримларини самарали ҳал қилиш мақсадида қуидаги таклифларни илгари сурамиз:

1. Дунёвийлик ва динийлик тушунчаларини фалсафий категория сифатида ўрганишни давом эттириш, тарихий ва ижтимоий билимнинг муҳим илмий категорияси сифатида шакллантириш мақсадга мувофиқдир.
2. Тарихий ривожланишнинг ҳар бир босқичида диний ва дунёвий мафкуралар ўзаро нисбатини аниқлаш, уларнинг муносабатларидаги ўзига хосликни ажратиб кўрсатиш, шунингдек ижтимоий тараққиётнинг алоҳида босқичида диний ва дунёвий мафкуралар конкрет шаклининг жамиятни ҳаракатлантирувчи маънавий куч сифатидаги ўрнини алоҳида кўрсатишни давом эттириш.
3. Диний ва дунёвий мафкураларнинг моҳиятини, кўринишларини, ҳозирги даврда ривожланиш хусусиятларини фалсафий-тарихий тадқиқ қилиш ва уларнинг ҳозирги кун дунёвий тараққиётидаги ўрни ва ролини аниқ кўрсатиб бериш мақсадида тадқиқот ишларини давом эттириш.
4. Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг дунёвий характерини очиб кўрсатишга хизмат қиласиган “Миллий истиқлол мафкурасининг дунёвий

¹ И.А. Каримов. Буюк келажагимизнинг хуқуқий кафолати. 2-ж, Т.: “Ўзбекистон”, 1996.-110- бет.

характери” мавзусини алоҳида 2 соатлик маъруза, 2 соатлик амалий машғулотда ўқитиш мақсадга мувофиқдир.

5. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилгандек, баркамол авлодни шакллантиришнинг асосий шартларидан бири сифатида дунёвий фан хулосаларига асосланган дунёқарашни шакллантириш ва шу тамойил асосида барча ижтимоий фанлар дастурини қайта кўриб чиқиш, уларда антропологик ва фалсафий ёндашувни кучайтириш.

6. Диншунослик фани намунавий дастурини, ўқув фанини тубдан ўзгартириш, тўлиқсиз ўрта мактабларда тарихий, лицей ва коллажларда антропологик, олий ўқув юртларида фалсафий диншунослик фанларини ўқитиш.

7. Маънавият ва маърифат билан шуғулланувчи марказлар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, ОАВларнинг фаолиятида ҳар бир маънавий ва маърифий тушунчаларнинг дунёвий характерини очиб берувчи нашрларни кўпайтириш ва бу материаллар асосида олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида ижтимоий фанларнинг дастур ва ўқув қўлланмаларини муттасил қайта ишлаб тўлдириб боришни назорат қилиш ва кучайтириш лозим.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бойалиев Ж.К. Олий иқтисодий таълим сифатини оширишнинг мафкуравий жиҳатлари// Халқаро илмий-назарий, услубий конференцияси, тезислар тўплами. – ТДИУ, 2007.- Б.-32-34.

2. Бойалиев Ж.К. Глобаллашув шароитида диний ва дунёвий мафкураларнинг ривожланиш хусусиятлари// Таълим тизимида ижтимоий – гуманитар фанлар.- Тошкент, 2007.- № 1-2- Б.68-74.

3. Бойалиев Ж.К. Конструктив диалог – диний ва дунёвий мафкуралар ўзаро ҳамкорлигининг самарали усули. // Фалсафа ва Ҳуқуқ. – Тошкент, 2008. № 2. Б.-46-47.

4. Бойалиев Ж.К. Жамият ривожида диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзаро таъсири. // Дунёвийлик ва ижтимоийлик. Тўплам.-Тошкент, 2008. Б.-130-153.

5. Бойалиев Ж.К. Мафкура ижтимоий ҳодиса сифатида// Халқаро илмий-назарий, услубий конференцияси, тезислар тўплами. – ТДИУ, 2009.- Б.-32-34.

6. Бойалиев Ж.К. Ўтиш даврида диний ва дунёвий мафкуралар ўзаро таъсирининг кучайиши. // Халқаро илмий-назарий, услубий конференцияси, тезислар тўплами. – ЎзМУ, 2009.- Б.-158-160

7. Бойалиев Ж.К. Демократик тизим ва фуқаролик жамияти барпо этиш шароитида диний ва дунёвий мафкуралар жамиятнинг бош стратегик мақсади сари етакловчи ва сафарбар этувчи энг муҳим маънавий омил эканлиги// Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – ЎзМУ, 2010.- Б.-131-133

Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Байалиев Джахангир Кайнарбековичнинг 09.00.11 – Ижтимоий фалсафа ихтисослиги бўйича “Глобаллашув шароитида диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзаро таъсири” мавзусидаги диссертациясининг **РЕЗЮМЕСИ**

Таянч (энг муҳим) сўзлар: жамият, динийлик, дунёвийлик, мафкура, диний мафкура, дунёвий мафкура, динийлик ва дунёвийликнинг ўзаро муносабати, гоявий тарбия, ҳамкорлик, диалог, конструктив диалог, илмий билим, диний билим.

Тадқиқот обьектлари: жамият тарихида диний ва дунёвий мафкуралар ўзаро таъсирининг ўзгариб бориши, муносабати хусусиятлари.

Ишнинг мақсади: глобаллашув шароитида дунёвий ва диний мафкураларнинг ўзаро таъсири ва уни оптималлаштириш муаммосини ижтимоий-фалсафий тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқот методлари: Илмий билишнинг тарихийлик ва мантиқийлик, алоҳидалик, хусусийлик ва умумийлик, анализ ва синтез, индукция ва дедукция методларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Жамият тараққиётида дунёвий ва диний мафкураларнинг ўзаро таъсири, ўзаро муносабатларининг ўзгариш тенденциялари илк бор маҳсус фалсафий таҳлил қилинганлиги; “Мафкура” тушунчасини, унинг шаклланиши ва функциялари таҳлилига таянган ҳолда аниқланиб, унинг турли даражалари тавсифланганлиги; мафкура тушунчаси масаласида турли қарашларга муносабат билдирилганлиги; Диний ва дунёвий мафкуралар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, жамият тарихида улар ўртасидаги алоқадорликнинг ижобий ва салбий оқибатлари таҳлил қилинганлиги; Ўзбекистоннинг янги типдаги жамиятга ўтиш шароитида диний ва дунёвий мафкуралар ўртасидаги зиддиятли муносабатлар, уларнинг ўзига хос-хусусиятлари, асосий омиллари аниқланганлиги ва таҳлил қилинганлиги; Янги демократик жамият қуриш шароитида диний ва дунёвий мафкуралар ўзаро ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириш муаммосини фалсафий таҳлилнинг алоҳида тадқиқот обьекти қилиб олинганлиги; Диний ва дунёвий мафкуралар ўзаро муносабатлари ва ҳамкорликларини такомиллаштириш мақсадида амалий тавсиялар ишлаб чиқилди ва ўқувчилар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Амалий аҳамияти: диссертацияда баён этилган назарий назарий хулосалар ва амалий тавсиялардан Республика, вилоят, туман, шаҳар, маҳалла жамоаларида ёшлар фаоллигини оширишда ҳамда, диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзаро муносабатларини уйғунлаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижалари илмий-назарий анжуман, семинарларда ўқилган маъruzalarda, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг иқтисодиёт, ҳалқаро бизнес, ахборот технологиялари факультетлари талабалари билан олиб борилган маъруза, амалий машғулотларда, нашр этилган ишларда ўз ифодасини топган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: диссертация натижаларини ОТМ, касб-хунар коллажлари, академик лицейларда, “Ижтимоий фалсафа”, “Шахс ва жамият”, “Маънавият асослари”, “Диншунослик”, “Этика” фанларини ўқитишида кенг татбиқ этиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

Диссертации Байалиева Джахангира Кайнарбековича на тему: «Взаимосвязь религозных и светских идеологий в условиях глобализации» на соискание учёной степени кандидата философских наук по специальности 09.00.11 – Социальная-философия

Ключевые слова: общество, светское, религиозное, идеология, светская идеология, религиозная идеология, взаимоотношение религиозного и светского сотрудничества, диалог, конструктивный диалог, научное знание, религиозное знание.

Объекты исследования: изменения и особенности взаимовлияния религиозных и светских идеологий в истории общества.

Цель работы: социально-философский анализ проблемы взаимовлияния светских и религиозных идеологий в условиях глобализации и его оптимизации.

Методы исследования: использованы методы исторического и логического, единичного, отдельного и общего, анализа и синтеза, индукции и дедукции.

Полученные результаты и их новизна: впервые специально философски исследованы взаимовлияние светских и религиозных идеологий в прогрессе общества, тенденции изменения их взаимоотношения. Понятие «идеология» определены основываясь анализу формирования и функций. Характеризование ее разных уровен. Оценены разные мнения по вопросу понятия идеологии. Анализированы религиозных и светских идеологий, их специфические особенности, положительные и отрицательные последствия их взаимосвязи в истории общества. Определены и анализированы в условиях перехода Узбекистана к новому типу общества. Противоречивые отношения светских и религиозных идеологий, их особенности и факторы. Сделаны специального объекта философского исследования проблемы повышения результативности взаимосотрудничества светских и религиозных идеологий в условиях построения нового демократического общества. Разработаны и представлены практические рекомендации совершенствованию взаимопонимания и сотрудничество светских и религиозных идеологий.

Практическая значимость: теоретические заключения и практические рекомендации, изложенных в диссертации могут быть использованы в улучшении воспитательной и пропагандистской работы и совершенствовании взаимоотношения религиозных и светских идеологий.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования отражены в научных статьях, в выступлениях в научно-теоретических конференциях, результаты диссертации используются при течении курса по религиоведению, культурологии, социологии, демократических общества, преподаваемых в ТГЭУ.

Область применения: результаты исследования могут широко применяться в ВУЗах, профессиональных колледжах, академических лицеях при изучении таких предметов как: "Социальная философия", "Личность и общество", "Основы духовности", "Религиоведение", "Этика".

RESUME

Bayaliev Jahangir Kaynarbekovich dissertation by theme: "Mutual communication religious and worldly ideologies in global conditions in order to get degree candidate" of philosophy sciences on speciality 09.00.11 - social-philosophy.

Key words: society, worldly, religious, ideology, worldly ideology, religious ideology, relations of religious and worldly, contribution, dialogue, constructionally dialogue, science, religious knowledge.

Subject of research: alterations and features mutual influence religious and worldly ideologies in history of society.

Purpose of work: social-philosophy analysis of problems mutual influence religious and worldly ideologies in global condition.

Methods of research: made use of methods historical and logical, isolated, single and common analysis, induction and deduction.

The results obtained and their novelty: for the first time expressly philosophy explored mutual influence of worldly and religious ideologies in society's progress, tendencies changes their relations. Conception "ideology" defined to basing analyses developments and functions. Characteristic of their various levels. Appraised by various opinions matter conception of ideology. Analysed affirmative and negative consequence their interaction. Defined and analysed in condition passage of Uzbekistan to new type of society. Contradictionaly attitude of worldly and religious ideologies worked up and represented practical recommendations to perfections mutual understanding and contribution worldly and religious ideology.

Practical value: theoretical conclusion and practical recommendations stated in dissertation may be used in improvement of agitational employment.

Degree of embed and economic effectivity: results of investigation reflected in scientific articles, in scientific-theoretical conferences, results of dissertation may be used in course of culture engagements, social engagements and religious engagements in TEU.

Field of application: the results of the research may be widely used in higher schools, vocational schools, academic lyceums, in teaching such subjects as "Social philosophy", "Person and society", "The base of spiritual science", "Religion science" and "Ethics".